

УДК: 616-053-833-24-12

СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ПОЛИРАДИКУЛОНЕВРИТЛАР ЎЧРАШИ

Алимова Зебинисо Фарҳоджон қизи

Термиз иқтисодиёт ва сервис университетети

Тиббиёт кафедраси ассистенти

e-mail: zalimova230@gmail.com

Муаммонинг долзарблиги: Педиатрик неврология - бу вояга етмаганларнинг умумий соғлиғи ҳолатига қаратилган ихтисослашган тиббий соҳа. Унда гўдақлар, болалар ва ёшларда неврологик бузилишларни аниқлаш, даволаш, бошқариш ва олдини олиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, педиатрик неврология турли хил тана тизимларининг соғлиғи ва касалликлари билан боғлиқ. Унинг таркибига мия, ўмуртқа, автоном нерв системаси, периферик нерв системаси, қон томирлари ва мускуллар киради[4]

Полирадикулоневритларнинг клиникаси ҳақида XIX аср ўрталарида маълумотлар бўлиб, уларни аниқ зарарланиш локализацияси номаълум бўлган. Шундай бўлсада зарарланиш марказий нерв системаси (МНС) да кечади деб тахмин қилинган. 1864 йилда Dumenil периферик нервларнинг зарарланиши натижасида ўтиб кетувчи фалажлик кузатилишини ёзган. Шу билан бир қаторда Ландри ҳам мустақил равишда клиник кузатишлар олиб борган. 1880 йилгача полирадикулоневритларнинг гистопатологияси ҳақида маълумотлар бўлмаган бўлсада, Дежерин раҳбарлигидаги гуруҳ изланувчилари дифтериядаги фалажликнинг патологик сабабларини ўрганишган. Худди шу йилда Gombault периферик нервлар демиелинизациясининг экспериментал моделини ишлаб чиқди. Кўрғошин ва мишьякдан захарланиш, қандли диабет, лепра, алкоголизм ва Бери-бери касалликларида ҳам нервлар зарарланиб фалажликка сабаб бўлиши аниқланди [1-2-3-5-6]

Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст,

яни 9,1% ташкил қилмоқда [8-9] бу эса болалар неврологик касалликларига ҳам этибор бериш кераклигини билдиради.

Патогенетик белгиси бўйича полирадикулоневрит икки хил кўринишда учрайди: аксонал (бирламчи ўзак цилиндрни зарарланиши) ва демиелинланувчи (миелин қаватнинг зарарланиши). Аксонал полирадикулоневрит демиелинланувчи полирадикулоневритга қараганда оғирроқ кечиб, касаллик оқибати яхши бўлмайди. Миелин парданинг зарарланишини икки хил кўриниши аниқланган: миелинопатиялар ва миелинокластиялар. Миелинопатиялар миелин тизимида биохимик дефект бўлиши билан боғлиқ бўлса, миелинокластик касалликлар асосида эса ташқи ва ички омиллар таъсири натижасида нормал миелин синтезининг бузилиши ётади [1-4-7]

Тадқиқот мақсади: Сурхондарё вилояти кесимида болалар ўртасида полирадикулоневритлар ўчрашининг қиёсий баҳолаш.

Текширув материаллари ва усуллари: Тадқиқот 2020-2023-йил давомида Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида болаларда полирадикулоневрит ташхиси билан даволанган 30 нафар беморларни касаллик тарихлари асосида ретроспектив таҳлиллар олиб борилди. Бу шифохонага тушган жами беморларнинг 9,5% ини ташкил этади. Ушбу иш жараёнида эпидемиологик, клиник, лаборатор (бактериологик, серологик), инструментал диагностика усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижалари: Кузатув остига 5-18 ёшдаги беморлар олинди. Беморлар ёши халқаро таснифга асосан қуйидагича тақсимланди: 5-7 ёш (11,5%), 8-10 ёш (20,3%), 11-13 ёш (32,3%), 14-16 ёш (28,8%), 18 ёшгача (7,1%). Ушбу беморлардан шаҳар аҳолиси –11,2%, қишлоқ фуқаролари – 88,8% ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги йўриқномасига асосан касаллик келиб чиқиш сабабларига кура қуйидаги таснифга асосан қўйилган: инфекцион (28,6%), вирус сабабли (12,4%), бактерияли (25%), инфекцион-аллергик (18,5%), токсик (3%), метаболик (5%), қон-томир (2,5%) ва насл билан боғлиқ (5%) ташкил этди. Касаллик мавсумийлигига кўра, ўсмирлар, ёшлар ва болалик даврида касаллик май-июнь ойларида асосан учраган бўлса, эрта болалик даврида касалликнинг қиш ойларида кўпроқ учраганлиги аниқланилди.

Катта ёшли болаларда тарқалган полирадикулоневритларда мушак ва буғимларда ҳам ўзгаришлар бўлади ва натижада қўл ва оёқларнинг бармоқларида сезги бузилади. Қўл ва оёқларнинг дистал қисмларида симметрик, лоқайд парез ва паралечлар кузатилади. Тана ва қўл-оёқларнинг тарқоқ паралечларида пай рефлекслари сусаяди ёки йўқолади. Қорин рефлекслари эса чақирилмайди. Сийдик ажратишнинг бузилиши полирадикулоневритларга хос эмас, лекин баъзан эпизотик равишда пайдо бўлиши мумкин. Баъзан енгил ёки ўтиб кетувчи пирамида симптомлари кузатилади.

Хулоса: Шундан хулоса қиламизки, боаларда полирадикулоневритларни айниқса инфекцион (28,6%) ва бактерияли (25%) келтириб чиқарувчи формалари тадқиқотимизда кўп ўчрашлиги аниқланди. Текширувмизда 11-13 ёш 32,3% болаларда кузатилди. Бирламчи бўгин тиббиёт муассалар шифокор ва патранаж хамширалар болалар орасида ўчрайдиган неврологик касалликлар профилактика чора-тадбирлари айниқса шахсий гигиена қоидаларига қатий амал қилиш тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ахадов Т.А. Панов В.О. Айхофф У.// Магнитно-резонансная томография спинного мозга и позвоночника тез.докл.-М.,2010.- С.747
- 2.Бембеева Р.Ц. Острый диссеминированный энцефаломиелит.- Лечащий врач.- Москва: 2011 г.- № 1.- С.37-41
- 3.Кожевникова Т.Н. Викторова Е.Г. Экспре ментальная и клиническая иммунология // Журнал микробиологии.- Москва, 2009. С.85-91
- 4.Заббарова А.Т., Давлетина Р.И., Михайлов А.И., Богданов Ш.Э. Гидромиелия при димиелинзирующих и дизимунныхмиелопатиях // Неврологический вестник.- Москва, 2010.-№1.- С.115-120
- 5.Aquil N, Khan IA, Soomro B. Guillain Barre syndrome in a family: a case report of four siblings. J Coll Physicians Surg Pak. 2011 Mar;21(3):179-81.
- 6.Jha S, Ansari M, Sonkar K, Paliwal V. Unusual features in chronic inflammatory demyelinating polyneuropathy: Goodoutcome after prolonged ventilatory support. J Neurosci Rural Pract. 2011 Jul;2(2):171-3.

7. Incecik F, Ozlem Hergüner M, Altunbasak S. Guillain-Barré syndrome in children. *Neurol Sci.* 2011 Jun;32(3):381-5. Epub 2010 Oct 16.

8. Султонов.Р.К, Содиқова.З.Ш, Бобоёров.С.У. Dynamics of fat cells of the bronchial tree mucosa in postnatal ontogenesis. // *Central Asian Journal of Medical and Natural Science (CAJMNS)* –Toshkent. Volume 2 № 4, 2021. С. 182-184.

9. Sulstonov, Ravshan Komiljonovich, Zumrat Shavkatovna Sodiqova, and Boboyorov Sardor Uchqun o'g'li. "Dynamics of Fat Cells of the Bronchial Tree Mucosa in Postnatal Ontogenesis." *Central Asian Journal of Medical and Natural Science* 2.4 (2021): 182-184.